Atrof tabiiy muhit holati to'g'risidagi axborot ochiq oshkora yusinda bo'lib, uning asosiy ko'rsatkichlari davlat tabiatni muhoza etish idoralari tomonidan e'lon qilish uchun muntazam berib boriladi. Davlat tabiatni muhofaza qilish idoralari halokatlar va boshqa hodisalar natijasida atrof tabiiy muhit normativida belgilanganidan ham ortiqroq

darajada ifloslangan taqdirda bunday falokat va hodisalar to'g'risida jamoatchilikni darhol xabardor etishlari shart.

Tabiiy resurslarning miqdori, sifat va boshqa xil ko'rsatkichlarini, ulardan foydalanishning hajmi, tartib tamoilini hisobga olib borish uchun davlat tabiiy resurslar kadastrlari yo'rutiladi. Atrof tabiiy muhit holatiga zararli ta'sir qiladigan yoki nomaqbul tarzda ta'sir etishi mumkin bo'lgan ob'yektlar, atrof tabiiy muhitga tushadigan zararli moddalarning turlari va miqdori, ishlab chiqarish va ro'zg'or chiqindilarining hajmlari va tarkibi ham nazorat etib boriladi va davlat hisobiga olinadi. Davlat atrof tabiiy muhit holatini nazorat etish xizmatining tarkibi, uni tashkil etish va faoliyat ko'rsatishini tartibi, davlat tarkibiy resurslar kadastrlarini atrof muhitga zararli ta'sir etuvchi ob'yektlarning davlat hisobini yuritish tartibi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilab beriladi.

2. Tabiatni muhofaza qilishni ta'minlashning iqtisodiy tartiboti;

Tabiiy resurslardan maxsus foydalanganlik uchun, atrof tabiiy muhitni ifloslantirilganlik va atrof tabiiy muhitga boshqacha tarzda zararli ta'sir ko'rsatganlik uchun to'lov undirishni kam chiqitli va resurslarni tejaydigan texnologiyalar joriy etilganida, tabiatni muhofaza qilish tabiiy resurslarni qayta tiklashda samara beruvchi faoliyat amalga oshirilganda korxonalar, muassasalar, tashkilotlarga, shuningdek ayrim shaxslarga soliq, kredit imtiyozlariga va o'zga imtiyozlar berishni.

Ekologiya nuqtai nazardan xavfli texnologiyalarni qo'llaganlik va o'zga faoliyatni amalga oshirganlik uchun korxonalar, muassasalar, tashkilotlarga nisbatan maxsus soliqlar joriy erish;

Atrof tabiiy muhitni ifloslantiruvchi moddalarni chiqarish, oqizish yoxud ekologiya nuqtai nazardan o'zga zararli faoliyatni amalga oshirish huquqini belgilovchi lisenziyalar olishni tabiiy muhitning qulay holatini buzgan korxonalar, muassasalar, tashkilotlar va fuqarolar zimmasiga uni tiklash vazifasi yuklanadi.

Tabiatni muhofaza qilish borasidagi ob'yektlarni buzish yoki yo'q qilib yuborish oqibatida yetkazilgan zarar uchun belgilangan tartibda tavon puli undirilishini;

Tabiatni muhofaza qilish borasidagi chora tadbirlar bajarilmagan, tabiatni muhofaza qilishga doir qonunlarni normativ texnik va boshqa talablari buzilgan hollarda mansabdor shaxslar yoki boshqa xodimlarni asosiy ishlab chiqarish faoliyatida erishilgan natijalar bo'yicha beriladigan pul mukofotlari va boshqa mukofotlardan to'liq va qisman mahrum etish. Ekologiya sof mahsulot chiqarganlik uchun rag'batlantiruvchi narxlar va ustamalar belgilashni;

Tabiiy resurslardan oqilona foydalanmaslik, me'yorda belgilanganidan ortiq foydalanganlik uchun tabiatdan foydalanuvchilarga nisbatan iqtisodiy jazo choralarini hamda tabiat resurslaridan tejab tergap va oqilona foydalanganlik uchun iqtisodiy rag'batlantirishni qo'llanilishi;

Tabiiy muhitni saqlash sohasida va ekologik sof mahsulot ishlab chiqarishda hammadan yuqori ko'rsatkichlarga erishgan davlat, kooperativ, jamoat korxonalari, muassasalari va tashkilotlari, boshqa korxonalar, muassasalari hamda tashkilotlarning jamoalarini va ayrim xodimlarni shuningdek ayrim shaxslarning moddiy rag'batlantirishni ko'zda tutadi.

O'zbekiston Respublikasining qonunlarida, mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruv idoralarining qarorlarida tabiatni muhofaza qilish sohasidagi faoliyatini iqtisodiy rag'batlantirishning boshqa turlari ham nazarda tutilishi mumkin.

Tabiatni muhofaza qilish sohasidagi faoliyatini iqtisodiy rag'batlantirish tadbirlari O'zbekiston Respublikasi qonunlarida, shuningdek mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruv idoralarining qarorlarida belgilab qo'yilgan tartibda qo'llaniladi.

Tabiatdan maxsus foydalanganlik uchun to'lovlar atrof tabiiy muhitni ifloslantirganlik uchun to'lanadigan to'lovlardan, tabiiy resurslarni muhofaza qilganlik va qayta tiklanganlik uchun to'lanadigan to'lovlardan iborat bo'ladi.

Tabiiy resurslardan foydalanganlik uchun soliq stavkalari va o'zgacha to'lov miqdorlari, shu jumladan ijara to'lovlarining miqdori, tabiiy resurslarning qay darajada keng tarqalganligi, sifati, ularni qayta tiklash imkoniyatlari, ulardan foydalanishning qay darajada qo'yilgan, qulayligi, kompleksligi, samaradorligi, ularning joylashgan yeri, chiqindilarni qayta ishlash va ulardan foydalanish imkoniyatlari hamda boshqa jihatlarini inobatga olgan holda, shuningdek tegishli limitlar O'zbekiston Respublikasi qonunlarida belgilangan tartibda aniqlanadi va tasdiqlanadi.

Atrof tabiiy muhitga ifloslantiruvchi moddalar chiqarganlik va oqizganlik uchun hamda chiqindilarni joylashtirganlik uchun to'lov miqdorlari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadi. Respublika ahamiyatiga molik tabiiy resurslarni muhofaza qilganlik va qayta tiklanganlik uchun to'lovlarning miqdori O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan, mahalliy ahamiyatga molik tabiiy resurslar bo'yicha esa mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruv idoralari tomonidan belgilanadi.

Tabiiy resurslardan foydalanganlik uchun to'lovlar tabiatdan foydalanuvchi korxonalar mahsulotlarining (bajargan ishlarining, ko'rsatgan xizmatlarning) tan narxiga qo'yiladi. Atrof tabiiy muhitga ifloslantiruvchi moddalarni chiqarganlik, va oqizganlik, ishlab chiqarish va iste'mol chiqindilarini joylashtirganlik uchun, shuningdek tabiatdan ro'xsatnomada belgilanganidan tashqari foydalanganlik va o'zgacha maxsus tarzda nooqilona foydalanganlik va o'zgacha maxsus tarzda to'lovlar tabiatda foydalanuvchi korxonalarning foydasidan undiriladi.

Tabiiy resurslardan foydalanganlik, ularni muhofaza qilganlik va qayta tiklanganlik uchun to'lov mahalliy davlat hokimiyati va

boshqaruv idoralarining byujetiga tushadi hamda alohida modda bilan hisobga olinadi.

Atrof tabiiy muhitga ifloslantiruvchi moddalar chiqarganlik va oqizganlik uchun hamda ishlab chiqarish va iste'mol chiqindilarini joylashtirganlik uchun to'lov to'lashni, shuningdek bu mablag'lardan foydalanish tartibi qonun hujjatlari bilan belgilanadi.

O'zbekiston Respublikasi qonunlaridan, mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruv idoralarining qarorlariga tabiatdan foydalanganlik uchun to'lovlardan ozod qilish hollari, shuningdek boshqa soliq imtiyozlari nazarda tutilishi mumkin.

Tabiiy resurslardan foydalanganlik uchun va zaharli moddalarni chiqarganlik uchun to'lovli, shuningdek ayrim shaxslarni ekologiya tadbirlarini bajarishdan, yetkazilgan zararli o'rnini qoplash majburiyatidan ozod etmaydi.

Maxsus vakolatga ega mansabdor shaxslar tomonidan zararli ekologik oqibatlarni keltirib chiqargan halokatlar yoki atrof tabiiy muhitning radiatsiyaviy, kimyoviy, bakteriyaviy ifloslanganligi yoxud odam hayoti yoki sog'lig'i, tirik tabiat uchun xavfli bo'lgan boshqa tarzda ifloslanganligi haqidagi yoxud aholi salomatligining holatiga doir ma'lumotlarni qasddan yashirishni yoki buzib taqdim etilishi aholining ommaviy kasallanishi, hayvonlar parrandalar yoki baliqlarning qirilib ketishi yoki boshqacha o'g'ir oqibatlarga sabab bo'lsa,

- Eng kam oylik ish haqining 100 baravaridan 200 baravarigacha miqdorda jarima yoki 5 yilgacha muayyan huquqidan mahrum qilish yoxud 3 yilgacha axloq tuzatish ishlari bilan jazolanadi. O'sha qilmishlar odam o'lishiga sabab bo'lsa mahrum qilib, 3 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi

(O'zbekiston Respublikasining 2001 yil 29 avgust qonuni taxlilida O'zbekiston Respublikasi Oliy majlisining Axborotnomasi, 2001 yil, 9-10 son 165-modda). Mansabdor atrof tabiiy muhitning ifloslantishi oqibatlarini bartaraf qilish choralarini ko'rmaslik, mansabdor shaxslarning ekologiyasi ifloslangan joylarini dezaktivatsiya qilish yoki boshqacha tarzda tiklash choralarini ko'rishdan bo'yin tovlash yoki bunday ishlarni yetarli darajada bajarmasligi odamlarning ommaviy tarzda kasallanish, hayvonlar, parrandalar yoki baliqlarning qirilib ketishi yoki boshqacha og'ir oqibatlarga sabab bo'lsa, eng kam oylik ish haqining 100 barobaridan 200 barobarigacha miqdorda jarima yoki 5 yilgacha muayyan huquqdan mahrum qilinadi.

O'sha qilmishlar odam o'lishiga sabab bo'lsa 3 oydan 6 oygacha qamoq yoki muayyan huquqdan mahrum qilib, 3 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

3. Paxtani dastlabki ishlash jarayonida atrof muhitni ifloslanishi. Paxtani dastlabki qayta ishlash jarayoni, paxtani yetishtirishdan boshlab,

erish, tashish, qurutish va dastlabki qayta ishlashgacha bo'lgan jarayonlarda qayta miqdordagi chang ajratib chiqadi. Bu ishlab chiqarish uchun zararli hisoblanadi. Paxta yetishtirishning zamonaviy agrotexnik kompleksi muhim bo'g'inlaridan biri o'simliklarni zararkunandalardan, kasalliklardan, begona o'tlardan himoyalash, paxta terishdan oldin uni defoliatsiya qilinishidir.

Paxta yetishtiriladigan iqlim zonalarida turli tuman bo'lgan yerlardagi purkagichlar ishining samarasi agrotexnika nuqtai nazardan ham, atrof muhitni ifloslantirish nuqtai nazardan ham jiddiy ta'sir qiladi.

Paxtaga yer ustida kimyoviy ishlov berishda va paxtani terishda mexanizatorlarni zaharli moddalar insektisidlar, akaridsidlar desikandlar sifatida ishlatiladigan zararli himikatlar ta'siridan himoyalash katta muammodir.

Paxtani dastlabki qayta ishlash, tashish, quritish, tozalash, jinlash, linterlash, ishlab chiqarishning tolali chiqindilarini qayta ishlashda ishlab chiqarish binolari havosiga va atmosferaga ko'p miqdorda chang ajralib chiqadi. Chang asosan 3 ta proksiadan iborat. Iflos zarrachalar

- g'uzaning maydalangan bo'laklari
- va mineral zarrachalar
- paxta qayta ishlash vaqtida undan ajralib chiqadigan changli iflos va tolali zarrachalaridir.

Atmosferaga chiqariladigan barcha ishlangan havo texnologik va asperatsion turga bo'linadi.

Lintni kondersorga havotransportida tashishda changlangan havoda mayda dispersli tolali fraksiyalar ko'p bo'ladi. Ko'rinishi tozalash, jinlash, linterlash va tolali chiqindilar qayta ishlash sexida anchagina miqdorda chang bo'ladi.

Faqat quritish mashina uskunalari joylashgan bino havosida nisbatan kam $5-7 \text{ mg/m}^3$ chang bo'ladi. Buning sababi quriqgichlariga yuqori namlikdagi paxta tushishidadir, namlik massadan maydachaning ajralishiga to'sqinlik qiladi. Yirik dispersli chang yuqori namlikda bo'lsa ham ajralib, binoda tarqalishiga ulgura olmay cho'kadi.

Мавзу № 3 : Экологик экспертизанинг асосий тамойиллари

Режа :

1. Экологик экспертизанинг конунийлиги ва ошкоралийлиги
2. Давлат ва ҳукукнинг умумий тамойиллари.
3. Атроф – мухитни муҳофаза қилишга оид тамойиллар.
4. Хулоса

Хар бир фан соҳаси шу жумладан экология ҳукуки Фани ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида уз йуналишлари яъни тамойилларига эга бўлиб, уз навбатида хар бир фан соҳасининг максад ва вазифасидан келиб чиқади. Экология ҳукукининг тамойиллари табиат жамият тизмидаги узаро муносабатлар йуналиши чегараларини белгилаб беришда экологик ҳукукий механизмнинг баркарорлигини кафолатлашда ва конунчилик қоида талабларининг экологик муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бизга маълумки экология ҳукуки табиат билан жамиятнинг уртасидаги узаро муносабатларни ҳукукий тартибга солади. Шу жумладан табиатнинг инкор этиб бўлмайдиган конуниятлари ва ҳаракатларининг тартибга солувчи давлат конунлари мавжуд. Экологик ҳукукий тамойилларнинг асосий вазифаси шундан иборатки конуниятларнинг устуворлигини тан олган ҳолда жамият аъзоларининг табиатга бўлган ҳаракатларни илмий асосланган ҳолда йуналтиришдан иборат. Табиат ва жамият уртасидаги узаро муносабатлар жуда хилма – хил бўлганлиги учун экология ҳукукининг тамойилларини қуйидаги бўлишимиз мумкин.

1. Давлат ва ҳукукнинг умумий тамойиллари.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилишга оид тамойиллар.
3. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тамойиллар.

Экологий ҳукуки тизимининг соҳаси сифатида экология муносабатларни тартибга солишда давлат ва ҳукукнинг қуйидаги тамойилларидан фойдаланилади.

- Конунийлик
- Ижтимоий, адолат.
- Ошқоралик.

Шахсларнинг ҳукук ва бурчларининг бирлиги ва бошқалар. Атроф табиий мухит баркарорлигини таъминлаш ва муҳофаза қилишнинг тамойиллари қуйидагиларни уз ичига олади. Биосфера ва экология тизимлари баркарорлиги ҳозирги ва келгуси авлоднинг генетик фондини сақлаш фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий мухитга эга бўлиш ҳукукини таъминлаш. Жамиятнинг экологик сиёсий иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштириш. Табиатни муҳофаза қилиш чора – тадбирларининг табиий ресурслардан фойдаланиш тадбирларидан устуворлигини тан олиш.

- табиий ресурслар ҳолатини тиклаш мажбурийлиши.
- Экология экспертизасини утказишнинг мажбурийлиги, табиий ресурслардан факат илмий асосланган ҳолатлардан окилона фойдаланишнинг зарурлиги, ер ости ва ер усти бойликлари, усимлик ва хайвонот дунёси махсулотлари фойдаланганлик учун ҳақ тулаш кишлоқ хужалигига мулжалланган ералрнинг устуворлиги, табиий ресурслар кадастрининг юритиш мажбурийлиги ва бошқалар.

Табиат ва ҷамият уртасидаги узаро муносабатлар давлат ва экологик функцияси Ушбу тамойиллар асосида ва доирасида амалга оширилиб табиий ресурслардан окилона фойдаланишга хизмат килади. Экологий ҳукуки уз предмети йуналишларива вазифаларига булгани каби уз усулларига эга булиб, Ушбу усуллар табиат ва ҷамият тизимидаги ижтимоий муносабатлар ҳолатига таъсир эти шоркали катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда экологик муносабатлар катнашаётган ҷисмоний ва юридик шахслар хатти-ҳаракатларини тугри йуналтириш учун турли усуллар кулами ортиб бормокда. Экологик ҳукукий муносабатлар тизимида усуллардан фойдаланилади.

1. Экологизациялаштириш
2. Маъмурий ҳукукий.
3. Фуқровий ҳукукий.

Экологизациялаштириш усули бугунги кунда ҷамият ҳаётининг сиёсий ижтимоий иктисодий маънавий ҷабҳаларига тобора кирир бориб табиат қонуниятларининг устуворлигини таъминлаш уни муҳофаза қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқариш жараёнига қулланилиши соғлом экологик муҳитга эришиш заруриятини олдимизга қуймокда. Ушбу усул орқали шахс давлат ва ҷамият ҳаётининг барча ҷабҳаларининг экологик қоида ва талаблар асосида олиб боиришини таказо этади. Маъмурий ҳукукий усул давлат ва ҳуқуқнинг муҳим усулларида бири булиб давлатнинг мажбурлов чора – тадбирларининг қурранилиши намоён булади. Экологик ҳуқуқда бу усул кенг қулланилиб атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан окилона фойдаланиш экологик қоида талабларини белгиланиши барча қоидани бузганлик учун ҷавобгарлик чора тадбирларнинг қулланилишида катта аҳамиятга эга.

Фуқаровий ҳукукий усул экология ҳуқуқида тобора ривожланиб бораётган усул сифатида бевосита экологик ҳукукий муносабатга иштирокчиларнинг кенглиги, мулкнинг дахлсизлиги моддий рағбатлантириш табиатни муҳофаза қилиш чора – тадбирларини қулланилишида намоён булади. Экология ҳуқуқи табиат ва ҷамият тизимидаги мураккаб муносабатларни тартибга солади. Бунинг учун ҳам турли тушунчалар тоифалар кенг қулланилиб экологик ҳукукий қоида талабларини қулланилиши ва мазмунини очиб беради. Экологик ҳукукий муносабатлар тизими урганиш осон булиши учун узига хос институт тоифа ва назарий қоидалар мажмуини бирлаштирган

холда экологик ҳукуки уз тизимига эга. Экологик ҳукукнинг тизими экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва мазмунига кура асосий институт тоифа масалаларининг маълум тартибда жойлашишидир. Биз мураккаб экологик ҳукукий муносабатлар юналишларига тахлили килиш ва урганишни енгиллаштириш мақсадида экология ҳукуки тизимини иккки қисмга бўлиб урганамиз.

Экология ҳукукининг умумий қисми. Табиат ва жамият уртасидаги узаро боғлиқлик. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳукуки. Экология назорати ва экологик экспертизанинг ҳукукий ҳолати. Экологик қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик каби мавзуларни уз ичиги олиб табиатни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг илмий назарий жиҳатлари, умумий экологик ҳукукий қоидаларни белгилайди. Махсус қисми эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ қуйидаги ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳукукий ҳолати. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳукукий ҳолатини аниқлаш. Ер ости бойликларининг ҳукукий ҳати усимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳукукий қилишнинг ҳукукий ҳолати. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳукукий ҳолати. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ҳукукий ҳолати. Атроф табиий муҳитни халқаро ҳукукий муҳофаза қилиш каби ҳар бир табиат объектининг ҳукукий ҳолатини қамраб олувчи махсус аҳамиятдаги экологик ҳукукий қоидаларни уз ичига олади. Экология экспертизанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат.

Қонунийлик. Экологик экспертиза Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги моддалар билан иш олиб бориладир.

Асослилиги. Бирон нарсанга асосланган ҳолда иш олиб борилади. Экологик ҳавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ҳар қандай режалаштирилаётган ҳужалик фаолиятининг экологик ҳавфсизлиги. Ҳужалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқоролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплектилиги. Шунинг учун экологик экспертиза муҳим ва мураккаб амалий ва ҳукукий фаолияти тури сифатида қуйидаги умумий тамойиллар асосида амалга оширилади. Қонунийлиги, экологик экспертизанинг мустақиллиги, ошқоралиги, илмий техникавий асослиги, экологик ҳавфсизлигини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги.

Демак, экологик экспертиза Фани фаолияти натижасида экологик ҳавфсизликнинг ёки инсон ҳавфсизлигига эришамиз. Экспертиза объекти сифатида қаралаётган лойиҳаларга баҳо беришда атроф табиий муҳит барқарорлиги аҳолининг соғлиғи ва ҳаётига таъсир қурсатувчи омиларга эътибор бериш устунлигини назарда тутуди. Экспертиза натижалар тугри оқилона бўлиши учун биологик, кимёвий, физикавий технологик демографик агроэкологик иктисодий ва бошқа жабҳалардаги билимларни жамлаган ҳолда кенг қамровли меҳнат маҳсули бўлиши ва текширилаётган объектга нисбатан реал объектив

баҳо бериш керак. Экологик муҳим тамойилларидан бири сифатида ушбу жараёнда нодавлат – нотижорат ташкилотлари экологик экспертизанинг оммавий ва адолатли булишини таъминлайди. Экологик экспертизанинг Ушбу тамойиллари катъий риоя этилгандагина ҳар бир объективга нисбатан ҳолисона, адолатли, қонуний, мустакил ва объектив ҳулоса бериш мумкин. Экологик экспертиза жараёнида турли шакллардаги қуйидаги усуллардан фойдаланилган ҳолда кузда тутилган мақсадга эришилди. Маълумот туплаш экспертизадан утаётган муайян объектга тегишли бўлган барча ахборот маълумотларни йиғиш ва туплаш.

Мавзу №4 : Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари.

Режа:

1. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари қида тушунча.
 2. Экологик экспертиза тизими ҳақида.
 3. экологик экспертизаси қонунлари ҳақида тушунча.
- Хулоса

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Давлат экологик экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир. Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларидан белгиланган тартибда ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 31 август 2000 йил қонунни тарихида.

Давлат экология экспертизасининг ижобий ҳулосасиз лойиҳаларини рўёбга чиқариш ман этилади. 26 модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги қонуни билан чиқарилади. Жамиятчилик асослари экологик экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобида ёки жамиятчилик асосида мутахассисларнинг мустакил гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларининг кузатиш ҳисобига олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш чуқурлаштириш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида чоратадбирлар тўғри 2000 йил 2 июндаги 26-12-сонли фармони бажарилиши таъминлашга доир ҳаракатлар дастурига мувофиқ, шунингдек,

«Экологик экспертиза» си Ўзбекистон Республикаси Қонуни рўёбга чиқариш.

Давлат экологик экспертизаси бу ихтисослаштирилган эксперт бўлимлари Ўзбекистон Республикаси давлат табиатни муҳофаза қўмитаси органлари томонидан оширилаётган экологик экспертизаси туридан **Prognoz** қилинаётган, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларига мувофиқлигини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тугилаётган тадбирларнинг етарлилигига ва асослигига аниқлаш экологик экспуртизанинг мақсади ҳисобланади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат экологик экспуртизаси органлари, давлат экологик экспертизаси ягона тизимини ташкил этади. Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа фаолияти тартибга солувчи норматив ва техник йўриқнома услуб ҳужжатлар техник шартлар, стандартлар экологик-нормативлар, қоидалари йўриқномалар ва бошқалари.

Экологик экспертиза тўғрисида Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунларида Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун ҳужжатлари белгиланган объектлари давлат экологик экспертизасида ўтказилади.

Фан-техника йутуқларининг ва илғор тажрибали ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган фаолият технологик тизимлар муқобилларининг тахлили, экспертиза объекти рўёбга чиқариш натижасида атроф муҳитни Давлат экологик экспертизаси тақдим этган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари норматив ҳужжатлари талабларга жавоб бермайдиган материалларни рад этиш. Экологик экспертизага тақдим этилган материалларнинг ишончлилигини жойнинг ўзига бориб аниқлаш. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари экологик экспертиза ҳақида қонун ҳужжатлари, мазкур низомга мувофиқ белгиланади.

Давлат экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари экологик экспертиза тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси буюртмачилар ўртасидаги келишмовчиликлар қонун ҳужжатларига белгилаш тартибда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида кўриб чиқиши мумкин.

Экологик экспертизанинг ҳуқуқолати қоидалари Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида экологик экспертиза тўғрисидаги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, соғлиқни сақлаш вазирлиги экологик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги махфий ҳужжатлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси экологик экспертизаси тўғрисидаги қонун 3-моддасидаги экологик экспертиза қуйидаги мақсадда ўтказилади. Экологик экспертиза муҳим ва мураккаб фаолият тури сифатида қуйидаги умумий ва ўзига хос тамойиллар асосида амалга оширилади. Қонунийлик экологик экспертиза мустақиллиги, ошкорлиги милли техникавий асослиги экологик хавфсизлик талаблари ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ҳар қандай режалаштирилаётган ҳўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг ихтимол тутилган экологик хавфлилик презумпсияси, ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва аҳолининг соғлигига таъсири махсули бўлиши ва текширишлар объектига нисбатан реал объект баҳо берилиши керак.

Шундай қилиб, экологик экспертиза ушбу тамойилларга қатъий риоя этганларни ҳар бир объектига нисбатан ҳолисони кенг қамровли, адолатли, қонуний, мустақил ва объектига ҳулоса бериш мумкин.

Экологик экспертизаси жараёнида турли шаклдаги қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда кўзда тутилган мақсадга эришилади.

- Маълумотлар тўплаш-экспертизадан ўтаётган муайян объектга тегишли бўлган барча ахборот, маълумотларни йиғиш ва тўплаш.
- Умумийлаштириш-объект ҳақидаги тўпланган иқтисодий, технологик, экологик, гидрологик, кимёвий ва бошқа маълумотларни ўз йўналишлари бўйича маълум тизимга киритиш.
- Таҳлил қилиш-умумлашган маълумотлар банкини ўз йўналиши ва хусусиятлари бўйича ўрганиш, таснифлаш.
- Баҳолаш-экспертиза ўтказилаётган объект йўналишлари бўлимлари, ташкил этувчи қисмлари хавфли зарарли даражасини аниқлаш.
- Ҳулоса бериш экспертиза ўтказилаётган объектнинг экологик қоида талабларини мослиги ёки ушбу қоидаларга зид эканлиги ҳақида яқуний, адолатли, объектнинг таъсирини баҳолашнинг кенг қўллашни ва кенг қамровлиги.

Экспертиза натижалари тўғри одилонга бўлиши учун биологик, кимёвий, физикавий, технологик, демографик, агро-экологик, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги билишлар жамланган ҳолда кенг қамровли ижодий меҳнат ҳулоса қилиш.

Табиат жамият тизимида экологик экспертизанинг бир неча турлари яъни ижтимоий-иқтисодий экспертиза, сиёсий ҳуқуқий илмий техникавий экспертиза, санитария экологик экспертизани қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси экологик экспертиза тўғрисидаги қонунининг 4-моддасида экологик экспертизаси қуйидаги тизим белгиланган.

Давлат экологик экспертизаси жараёнини ҳар бир объектни ҳажми ва ўзига хос хусусиятларига кўра бир неча босқичларини ўз ичига олади.

1. Тайинлаш объектига нисбатан экологик экспертиза тайинлаш ва махсус комиссия экспертлар гуруҳи тузиш.
2. Объект ҳақида маълумотлар тўплаш, умумлаштириш ва баҳо бериш.
3. Объектни экологик қоида-талабга мос маълумотлар тўплаш.
4. Объект ҳақидаги хулосани банк муассасаларига юбориш.
5. Давлат экологик экспертизаси хулосани изидан низоларни ҳал қилиш.

Экологик аудит-экологик аудитлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир.

Экологик аудит Давлат экологик экспертизани фарқли равишда хўжалик ва ишлаб чиқариш объектини мулкдорлиги қарорига биноан ўтказилади.

Экологик экспертиза-муҳим ва мураккаб жараён бўлиб, атроф табиий муҳитни барқарорлигини сақлаш, табиатдан самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлардан иборат.

Мавзу № 5 : Экологик экспертиза турлари.

Режа:

1. Давлат экологик экспертизасининг ташкил қилиш ва ўтказиш.
 2. Д.Э.Э. ни ўтказиш учун эксперт гуруҳи ташкил қилиш ва унинг иш юритиш тартиби.
 3. Экологик экспертиза турлари.
 4. Олиб бориш тартиби.
- Хулоса.

Экологик экспертиза кенг қамровли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб, уни амалга ошириш йўналишлари, тартиби, қўлланилаётган усуллари, берилаётган хулосанинг моҳиятига асосан мураккаб тизимни ташкил этади.

Табиат ва жамият тизимида экологик экспертизанинг бир неча турлари, яъни ижтимоий-иқтисодий экспертиза, сиёсий-ҳуқуқий экспертиза, илмий-техникавий экспертиза, жамоатчилик экология экспертизалари бўлиниши мумкин.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари экологик экспертизанинг ихчам тизими эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида экспертиза қуйидаги тизим белгиланган: Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит тарзида амалга оширилади».

Шуни алохида таъкидлаб ўтиш керакки, экологик экспертиза тизимининг пойдеворини давлат экологик экспертизаси ташкил этади.

Давлат экологик экспертизасининг Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси олиб боради ва қуйидаги асосий гуруҳларга ҳисобланади:

Давлат экологик экспертизасини тайинлайди ва ўтказилади:

Экологик экспертизага тегишли бўлган меъёрий – техник, ҳуқуқий услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Экологик экспертизачи комиссияси, унинг аъзолари ва экспертлар гуруҳини тузади. Давлат экологик экспертизаси ҳулосалари талабларини бажаришни назорат қилди ва хоказо.

Экология қонунчилиқ ҳужжатларида экспертиза ўтказишни шарт бўлган объектлар белгиланган бўлиб, улар жумласига:

Давлат дастурларининг контсепсияларининг ишлаб чиқиш кучларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантиришнинг схемаларининг лойиҳалари:

Барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари:

Лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари:

Табиий ресурслардан фойдаланиш Билан боғлиқ ҳўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари:

Барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари:

Лойиҳа олди лойиҳа ҳужжатлари:

Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳўжалик ва бошқа тартибга солувчи меъёрий-техника ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари:

Техника технология, материаллар маҳсулотларининг Янги турларини яратишга доир ҳужжатлар:

Атроф табиий муҳит ва фуқаролар ҳаёт ива соғлиғини зарари ва ҳавфи таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошираётган барча турдаги корхоналар.

Шаҳар солиқ ҳужжатларининг барча турлари:

Маҳсус солиқ ҳужжатларининг барча турлари:

Ушбу объектларга нисбатан давлат экологик экспертизасини ўтказиш. Мажбурий ҳисобланади ва мулкчилик шакли ҳамда маъмурий бўйсунитдан қатъий назар ҳар бир объектга бу борада имтиёз бермайди:

Давлат экологик экспертизасининг субъектлари бўлиб, одамда буюртмачи, пудратчи, истеъмолчи ҳисобланади. Буюртмачи – экспертизани тайинлаш, ташкил этиш ҳуқуқларига эга бўлган маҳсус ваколатлар органидир. Пудратчи – муайян объектни экспертиза қиладиган ташкилот булар қаторига илмий-тадқиқот институтлари, корхона ёки маҳсус комиссия экспертлар гуруҳи бўлиши мумкин.

Истеъмолчи бўлиб, экология экспертизаси ҳисобланган корхона – ташкилот, муассаса ҳисобланади.

Давлат экология экспертизаси жараёни ҳар бир объектнинг ҳажми ва ўзига хос хусусиятларига кўра бир неча босқичлари ўз ичига олади, яъни; Тайинлаш – объектга нисбатан экологик экспертиза тайинлаш ва махсус комиссия, экспертиза тайинлаш ва махсус комиссия экспертлар гуруҳи тузиш.

Объект ҳақида маълумотларни тўплаш умумлаштириш ва баҳо бериш босқичи:

Объектнинг экологик қоида талабларига мо сёки зид эканлиги ҳақида хулоса тайёрлаш ва уни тасдиқлаш:

Объект ҳақидаги хулосани муассасаларга юбориш:

Давлат экологик экспертизаси хулосаси юзасидан низоларни ҳал қилиш:

Шуни таъкидлаш керакки, давлат экологик экспертизасининг хулосаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, объект ҳақида салбий хулоса берилган тақдирда банк муассасалари Ушбу объектни молиялантирмайди ва фаолияти бекор бўлиши мумкин.

Демак давлат экологик экспертизасининг экологик экспертизаси тизмида ўрнини эгаллайди ва экологик хавфларни таъминлашга хизмат қилади. Экологик экспертизанинг тизмида жамоатчилик экспертизаси алоҳида аҳамият касб этади.

Жамоат экологик экспертизаси нодавлат, нотижорат ташкилотлар, фуқаролар томонидан амалга ошириб, режалаштирилади, амал қилаётган турли объектлар юзасидан ўтказилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилганлигидан қатъий назар амалга оширилади.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия аҳамиятига эга бўлади, давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган хорижий давлатларда жамоатчилик экспертизасининг тараққий этган экологик маданияти савияси даражасининг юқорилигини кўришимиз мумкин.

Экологик экспертиза тизмида экологик аудит ҳам муҳим аҳамиятга ҳисобланади.

Экологик аудит – экологик аудиторлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ва шартларда ўтказилган, атроф табиий муҳит ҳолатга салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир.

Экологик аудит давлат экологик экспертизасидан фарқли равишда хўжалик ва ишлаб чиқариш объектини миқдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Экологик экспертиза муҳим ва мураккаб жараён бўлиб, атроф табиий муҳитни барқарорлигини сақлаш, табиатдан самарали

фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий – ҳукукий чора-тадбирларидан иборатдир.

4-модда

Давлат экологик экспертизасини ўтказишда қуйидаги талаблар
Давлат экологик экспертизасини ўтказишда тақдим этилган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳужжатларга мувофиқлигини текширилади. Режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятларнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги таҳлил қилинади. Биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослиги текширилади.

Режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш оқибатларининг экологик хавфлилиги даражасини баҳолашнинг тўғрилигини текширилади. Экологик хавфсизлик талабаларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилиги ва асослиги аниқланади: экологик нормативлар лойиҳаларнинг асослилиги текширилади.

Д.Э.Э. Ўзбекистон Республикаси давлат табиат комитети тизимидаги эксперт органлар мутахассислар кучи билан ёки омиллар мутахассислар ва жамоатчилик вакилларида ташкил топган эксперт комиссиялари (гуруҳлари) ёрдамида ўтказилиши мумкин.

Экспертиза ўтказилиши муддати қоидага биноан материалларнинг тўла комплекти топширилган кундан бошлаб уч ойдан бошламаслиги керак.

Д.Э.Э. ўтказиш жараёни уч босқичдан иборат: тайёрлов, асосий ва якунловчи босқичларга:

А) тайёргарлик (тайёрлов) босқичида Ўзбекистон Республикаси давлат табиат қўмитаси тизимининг штатидаги экспертлари томонидан тавсия қилинган ҳужжатлар таркиби мазкур ҳужжатнинг талабларига мос келиш-келмаслиги текширилади.

-экспертизанинг вазифалари, чегараси ва йўналиши таърифланади, унинг формаси ва ўтказиш усули аниқланади.

-экспертизанинг асосий йўналишлари бўйича мутахассислар штатдан ташқари Эксперт комиссияси гуруҳи тузилади, унинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади, иш графиги тузилади в ах.к, керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

В) асосий босқич давомида Экспертизага тавсия қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилади ва текширилади. Унда

-мазкур хўжалик фаолияти турини амалга оширишга ихтиёжнинг асосланиши реализация қилиш усулини танлаш тавсия қилинаётган техник муҳандис ва архитектура – режавий ечимларнинг прогрессивлиги, материал, хом-ашё ва энергетик ресурслардан ва бошқалардан фойдаланишнинг комплектлиги ва рационаллиги.

Аниқланган таъсир факторларнинг тўлиқлиги ва уларнинг экологик хавфи даражаси атроф мухитга хўжалик фаолиятининг таъсири эҳтимоли масшталари

-экспертизани амалга оширишда экологик ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари тўғрисида маълумотларнинг борлиги инобатга олинади.

Экспертиза ишлари жараёнида олдиндан таъсирланган экспертиза йўналишлари бўйича индивидуал эксперт хулоса ва Эксперт гуруҳи хулосаси тайёрланади.

Агар яъни вазирлар ёки кўриб чиқиш йўналишлари айниқса, эксперт гуруҳи Д.Э.Э. тайинланган орган олдида экспертиза ўтказиш муддатини ўзгартириш кўтарилган масалалар бўйича қўшимча Экспертлар жалб қилиш масаласини қуйиш мумкин.

Экспертиза давомида хужжатни тайёрловчилар томонидан инобатга олинмаган потенциал хавфли таъсирлар аниқланган тақдирда лойиха Ушбу таъсирнинг хавфлилик даражаси ва унинг оқибатлари баҳоланмаган ҳолда қайта ишлашга қайтарилади.

V) Якунловчи босқич давомида Эксперт гуруҳи томонидан кўрилаётган хужжат бўйича хулоса лойихаси тайёрланиб у буюртмачи лойихани ишлаб чиққан ташкилот вакиллари жамоатчилик қатнашган эксперт гуруҳи муҳокама қилади. Жамлама хулоса эксперт гуруҳининг барча аъзолари томонидан ва уларнинг розилигисиз ўзгартирилмайди.

G) эксперт гуруҳининг хулосаси қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

-Амалга оширишга тавсия қилинаётган хўжалик фаолиятининг қисқача тавсифи. Тавсия қилинаётган хўжалик ечимининг Эксперт баҳолари.

-Лойиха бўйича принспиал мулоҳазалар.

-Хулосалар

-Лойихани амалга ошириш имкониятлари ва шартлари.

-Уни қайта ишлашга ёки қайта қуришга эҳтиёж

-Амалга оширишга мувофиқ келмайдиган четга чиқишлар.

Хулоса ва таклифлар аниқ ва тушунарли таърифланиши керак.

Жамлама хулосага Эксперт комиссияси аъзолари томонидан алоҳида илова қилинади.

Mavzu № 6 : Tabiiy resurslardan foydalanish va tabiatni o'zgartirish loyihalarining ekologik ekspertizasi.

REJA:

1. Tabiiy resurslarga nisbatan mulk huquqi tushunchasi va xususiyatlari
2. Tabiiy resurslarga nisbatan mulk huquqining ob'ektlari va sub'ektlari

3. Tashkilot korxonada qazib olingan neft-xomashyolarini qayta ishlashda tabiatga taʼsiri

Xulosa

Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 55-moddasida yer, yer osti boyliklari, suv, oʻsimlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zahiralar umumiy boylikdir deb qayt etilgan. Oʻzbekistonning asosiy qonuni tabiiy resurslarga nisbatan mulk huquqini masalasini umumiy boylik deb tan olish yoʻli bilan hal etilgan. Tabiiy resurslar boshqa mulk kabi Oʻzbekiston Respublikasi rivojlanishining moddiy asosidir.

Oʻzbekiston Respublikasining hududdagi yer, yer osti boyliklari, suv, oʻsimlik va hayvonot dunyosi havo havzasiga nisbatan mulk huquqi Oʻzbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksida “Oʻzbekiston Respublikasida mulkchilik toʻgʻrisidagi boshqa qonunlarga belgilanadi. Yer kodeksida va tabiiy resurslar toʻgʻrida boshqa qonunlarda belgilangan.

Mulk huquqi tabiiy resurslarni kimga tegishliligini va mulkdorlarning tabiiy resurslarga nisbatan vakolatlarini anglatadi. Tabiiy resurslarga nisbatan mulk huquqi obʼyektlariga egalik qilish foydalanish hamda tasarruf etish jarayonida namoyon boʻladi.

Tabiiy resurslarga yer suv, yer osti boyliklar, oʻsimliklar va hayvonot dunyosi kiradi. Ekologiya huquqi obʼyekti boʻlib faqat tabiiy obʼyektlar hisoblanganligi sababli ekologik qonun hujjatlari bilan faqat tabiiy holatidagi obʼyektlarga mulkchilik munosabatlari tartibga solinadi. Masalan, “Oʻsimlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish” toʻgʻrisidagi qonunning 1-moddasiga va hayvonot dunyosiga muhofaza qilish va undan foydalanish toʻgʻrisidagi qonunning 1-moddasiga muvofiq sharoitda oʻsadigan oʻsimlik va tabiiy erkinlik holatida yashaydigan yovvoyi hayvonlar yuzasidan vujudga kelgan munosabatlar, mazkur qonunlar bilan tartibga solinadi.

Oʻzbekiston Respublikasining qonunlarga muvofiq tabiiy resurslar asosan davlat mulki hisoblanadi. Oʻzbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 214-moddasiga muvofiq yer, yer osti boyliklar, suv, havo havzasi boʻshligʻi, oʻsimlik va hayvonlar dunyosi respublika mulki hisoblanadi.

Ushbu kodeksning 170-moddasi yer va boshqa tabiiy resurslarga boʻlgan mulk huquqi fuqarolik kodeksi bilan birga boshqa qonunlarda ham belgilanishiga koʻzga tutiladi.

Undan tashqari tabiiy resurslar nisbatan mulkchilik masalasi Yer kodeksining 16 va 18 moddalarida, Yer osti boyliklari toʻgʻrisidagi, Suv va suvdan foydalanish toʻgʻrisidagi, Oʻsimlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish toʻgʻrisidagi, hayvonot dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish toʻgʻrisidagi qonunlarning 3-moddasida,

O'zbekiston Respublikasidagi qonunlarning 19-moddasida mustahkasida mulkchilik to'g'risidagi qonunning 19 –moddasida mustahkamlangan.

O'zbekistonda faqat ayrim hollarda, ya'ni Yer kodeksining 18-moddasida ko'zda tutilgan yer ustavkalari jismoniy va yuridik shaxslarning mulki bo'lishi mumkin.

Mulkchilik huquqiy institutidagi ekologik va iqtisodiy belgilar o'zaro bog'liqdir. Yerni bir joyida ko'chmas mulk boshqa joyida deb atash mumkin. Bir ob'yektdan ham ekologik, ham iqtisodiy belgilarning omuqta bo'lib kelishi bu institutni harakterlaydigan bir qator yangi qo'shimcha belgilarini, ya'ni "Moddiylashtirilganlik", "Bebaho" kabi belgilarni paydoq qiladi.

Atrof muhitning tarkibiy qismi bo'lsalarda o'zlarining ob'yektiv sifatlariga ko'ra o'zlashtirish yoki mulkka aylantirish ashyosi bo'la olmaydigan tabiiy zahiralar "Moddiylashtirilmasdan", qoldiriladilar. Masalan. Atmosfera havosi, iqlimni zaharlash va shunga o'xshagan tabiiy ko'rinishlarni mulkka aylantirib bermaydigan, ularning ba'zilaridan, masalan atmosfera havosidan davlatlarning tashqi chegaralarini, uning yurisdiksiya shaxslarning mulki bo'lishi mumkin.

Mulkchilik huquqi institutidagi ekologik va iqtisodiy belgilar o'zaro bog'liqdir. Yerni bir joyda ko'chmas mulk, boshqa joyda esa bizni o'rab turgan tabiiy muhitning mulkning tarkibiy qismi deb atash mumkin. Bir ob'yektda ham ekologik, ham iqtisodiy belgilarning omiqda bo'lib kelishi bu institutni harakterlaydigan bir qator yangi qo'shimcha belgilarni ya'ni "Moddiylashtirilganlik", "Bebaho" kabi belgilarini paydo qiladi.

Atrof muhitning tarkibiy qismi bo'lsalarda o'zlarining ob'yekti sifatlariga ko'ra o'zlashtirish yoki mulkka aylantirish ashyosi bo'la olmaydigan tabiiy zahiralar moddiylashtirmasdan qoldiriladilar. Masalan atmosfera havosi, iqlimiy zahiralar va shunga o'xshagan tabiiy ko'rinishlarni mulkka aylantirib bo'lmaydi. Ularining ba'zilarida masalan, atmosfera havosidan davlatning taaluqli chegaralarini, uning yurisdiksiya (sud qilish huquqi) si amalga oshiriladigan hududni belgilash maqsadida foydalanish mumkin. Bu holat endi mulkka emas balki mustaqillikka, ya'ni iqtisodiy emas siyosiy toifaga taaliqligidir.

Shuning uchun ham "O'zbekiston Respublikasida mulkchilik to'g'risida"gi qonunning 19-moddasida mulk huquqining ob'yekti sifatida bevosita atmosfera havosi emas, balki havo havzasi belgilangan .

Tabiiy ob'yektlar bilan mulkning bizni o'rab turgan tabiiy muhitda ajralmaslik xususiyatiga mos ravishda tabiiy va ijtimoiy ob'yektlar o'rtasidagi farq belgilanadi.

Tabiiy obyekt bir vaqtning o'zi ham tabiiy turgan obyekt, ham mulk bo'lib qolaveradi va uni atrof muhitdan ajraib bo'lmaydi. Ekologik bog'liqlikning bunday yo'qolish tabiiy zahiralariga nisbatan mulkchilikning to'xtalishicha va qonuniy asoslar bo'lganda moddiy va ashyoviy boyliklarga nisbatan mulkchilik huquqini vujudga kelishiga sabab bo'ladi. Ammo bundan faqat qonuniy ravishda foydalanish

jarayonida tabiiy ravishda resurs atrof tabiiy muhitdan chiqarib u foydalanuvchining mulki hisoblanadi. Masalan "Hayvonot dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to'g'risida"gi qonunlarning 16-moddasida foydalanuvchilarga tutib olingan hayvonot dunyosi ob'yektlariga nisbatan mulk huquqiga egadirlar. Bunda ushbu qonunning 3-moddasiga asosan davlat mulki bo'lgan ob'yekt foydalanish jarayonida xususiy mulkka aylanadi.

Tabiiy resurslar inson tomonidan yaratilmasligi, ularning chegaralangan miqdorda mavjudligini va eng asosiy insonni xo'jalik va o'zga faoliyati natijasida ularning kamayib ketishi, nobud bo'lishi, tabiiy obyektlarini bahosini mavjud ekanligini anglatadi. Bozor iqtisodiyoti sharoit tabiiy resurslardan foydalanishning huquqiy bahosini aniqlash murakkab, ammo, bu yerda va boshqa tabiiy ob'yektlarning pulga chaqilgan bahosi bo'lishini ham tabiatdan foydalanganlik uchun pul to'lash lozimligini inkor etmaydi. Amaldagi qonundagi ham bu holat ko'rsatib o'tilmaydi. O'zbekiston Respublikasining Yer kodeksida muvofiq yerning normativ bahosi ma'lum sifatli yer uchastkasining joylashishi va sifatli ko'rsatadigan ko'rsatkich sifatida aniqlanadi. Bunda belgilangan davrda olinishi mumkin bo'lgan eng katta foyda ham nazarda tutilishi shart.

O'zbekiston Respublikasi Yer kodeksini 28-moddasida shunday deyiladi. "O'zbekiston Respublikasida Yerdan foydalanganlik uchun ham to'planadi. O'z egaligida va foydalanishda hamda mulkida yer uchastkalari bo'lgan yuridik va jismoniy shaxslar yer uchun haq to'laydigan. Yer uchun haq har yili to'lanadigan yer solig'i shaklida olingan, buning miqdori yer uchastkalarining sifatiga, joylashishiga va suv bilan ta'minlash darajasiga qarab belgilanadi.

Yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik hayvonot hamda boshqa tabiiy boyliklar tabiatning asosiy ob'yektlari -asosan davlat mulkini tashkil etadi. Bu esa tabiiy zahiraning o'ziga xos alohida mohiyati bilan shuningdek tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish singari zamonaviy jamiyat oldida turgan vaziyatlarning murakkabligi bilan aniqlandi.

Jamiyat ixtiyorida bo'lgan tabiiy boyliklardan olinadigan eng katta foyda tabiiy shart-sharoitlarni dunyo miqyosida saqlab, qayta tiklash va yaxshilash ishlariga uyg'un bo'lishi lozim, zero bu shart-sharoitlar odamlarning hozirgi va kelgusi avlodlari hayoti uchun maqbul bo'lmog'i lozim, bu masalalarni hal etish har kimning ham qo'lida kelavermaydi, bundan tashqari ular alohida mulkdorlarning manfaatlariga ham mos emas.

Yer, yer osti boyliklari, suv va havo kengliklariga nisbatan va hayvonot dunyosiga nisbatan yagona mulkchilik huquq tabiiy ob'yektlarini davlatdan ajratib bo'lmasligi shart qilib qo'yiladi. Bu ob'yektlarning belgilangan narxi bahosi yo'q, shu sababdan ularning mahsulot yoki pul shaklidagi ekvivalent mavjud emas. Bu holat ularning sotib olish yoki sotib yuborish mumkin emas. Bu holat ularning yuqorida tilga olingan pul shaklidagi ekvivalenti yo'qligidan kelib chiqadi.

Yerga nisbatan mulk huquqi masalasiga alohida e'tibor berish kerak, chunki u agrar iqtisodiyotining o'q ildizidir. O'zbekiston aholisining 60 % qishloqlarda yashashini hisob oladigan bo'lsak, yerga nisbatan mulk huquqi butun O'zbekiston iqtisodiyotini belgilovchi mezondir. Tarixiy, yuridik va iqtisodiy manbalardan ko'rish mumkinligi Markaziy Osiyoda yerga nisbatan mulkchilik huquqi klassik suratda mavjud bo'lmagan, ya'ni ekin ekiladigan yerlarning asosiy qismi asrlar davomida davlatning irrigatsiya tizimi qaroriga muhtoj bo'lgan L.S.Sobolov o'zining 1874 yilda chop etilgan maqolasida shunday yozgan: "Umuman olganda to'liq, mulk huquqi mavjud emas. Davlat ham xususiy shaxslar ham yerga nisbatan mulk huquqiga ega emas. Musulmonlarning qonunlarida zarurligi hududning tabiiy o'ziga xosligi bilan izohlanadigan ma'lum shart sharoitlar bilan chegaralangan yerni tasarruf etish va undan foydalanish huquqi mavjud. Yerni tasarruf etish va undan foydalanishda shaxslar foyda ko'rish zararliligi bilan shart qo'yib qo'yiladi.

Shu sababdan, hozirgi davrda yerni davlat mulki shaklida qoldirish maqsadga muvofiqdir. Qishloqdagi yangi bozor munosabatlari esa "Mulkdor bo'lmagan shaxslarning ularga meros qilib qoldiradigan yer uchastkasiga umrbod egalik qilish huquqi va uchastkasiga doimiy egalik qilish va undan foydalanish huquqiga asoslanadi.

(Fuqarolik kodeksining 165-moddasi. Yer kodeksining 17-55-moddalari) ammo O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1994 yil 24-noyabrdagi yer va yerdan foydalanish samarasini oshirish to'g'risidagi Farmoni va Yer kodeksining 23-27 va 55-moddalari bilan yer uchastkalari meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish huquqini auksion asosida sotishga ro'xsat berildi va shu qoida yer kodeksida ham o'z aksini topgan.

O'zbekiston Respublikasi alohida aroqilim sharoitida joylashgan yomg'ir yog'ishining muntazamligi, yerlar harakteri, shuning suv zahiralarining bir maromda joylashganligi sababli alohida va shaxsiy xo'jaliklar qishloq xo'jalik ishlarini amalga oshira olmagan. Faqat katta jamoalarning yaxshi tashkillashtirilgan va maqsadga yo'naltirilgan xatti-harakati natijasidagi talabga mos darajada faoliyat ko'rsatadigan xo'jalik bunyod etish mumkin.

Professor I.D. Jalilov shunday yozadi: "Davlat yerlari qoida bo'yicha dehqonlarga muddatsiz merosiy foydalanishga berish qo'yilgan edi. Ular yetishtirgan hosildan "Hiroj", olinar, qishloq xo'jalik ekinlari ekilgan yerlarning hajmiga qarab esa tanib olinardi. Mamlakat "Ulpon" hukmdoridan boshqa bironta xusisiy shaxs davlat yerlariga nisbatan mulk huquqini to'liq yoki vaqtinchalik boshqaga berish bilan bog'liq bo'lgan fuqarolik huquqiy bitim va shartnomalar tuzishga haqli emasdir. Bu yerlarni olib ishlab ekin-tekib qiluvchilar amalda ijarachilardan bo'lak kishi emasdilar, yagona farq shunda ediki bu ijara hududsiz savdo-sotiq bo'lib u belgilangan tartibda olib qo'yilishi mumkin edi".

Мавзу №7 : Корхона лойихаларининг экологик экспертизаси.

Режа:

1. Корхона лойихаларининг экологик экспертизасига асосланган тадбирлар ҳақида.
 2. Корхона лойихаларини тузишда жамоатчилик фикрининг долзарблиги.
 3. Саноат корхоналари билан аҳоли истиқомат қиладиган турар жойлар орасидаги масофалар.
- Хулоса.

Корхона лойихаларининг экологик экспертизасига асосланган тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади.

А) шаҳар ҳудудини зоналарга бўлиш.

Б) табиий чангларга қарши курашиш.

В) санитария химоя чегараларини ташкил қилиш.

Д) турар жойларни кукаламзорлаштириш.

Лойихалашга асосланган тадбирлар асосан чиқинди ифлосликлар атмосфера ҳавосида тарқалиш қонуниятларига риоя қилади. Саноат корхоналарини шаҳар ҳудудида оқилона жойлаштириш улар мажмуиларини ташкил қилиш шаҳар бош лойихаси ва туманлар лойихаларига ҳамда санитария нормаларига асосланиши керак. Саноат корхоналарини қўриш учун ер майдонлари ажратишда жойларнинг релфи, иқлим шароити, туманлар пайдо бўлиши, табиий шабадалар эсиб туриши ва саноат корхоналаридан ажралиб чиқадиган чиқиндилар атмосферага тарқалиши қонуниятлари назарда тутилади. Шаҳар ҳудудини минтақаларга бўлаётган шамол йўналишини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Одатда саноат корхоналарини яхши шамолллатадиган жойларга қўриш турар жойларни тутун ва дудлардан асрайди. Шамол йўналишини ҳисобга олганда ўртача йиллик шамол йўналиши билан бирга унинг йил фаслларидаги ўзгаришлари ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда саноат корхоналари жойланган ерларда ноҳуш ҳолатлар айланиш фаслида қаттиқ совуқ ёки юқори даражадаги намлик паллаларида атмосферанинг ер юза қатламларида ифлосланишлар юқори даражада бўлади. Шаҳар ҳудудида табиий чангларга қарши курашиши чоралари, ободонлаштириш билан ҳам боғлиқдир. Булардан ташқари шаҳар ҳудудида табиий чангларга қарши курашиш, хўжалик чиқиндилари йиғилиб қолишига йўл қўймаслик лозим, бунда санитария назорати органларининг тадбиркорлик билан олиб борган фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Йиғилиб қоладиган чиқиндилар юқумли касалликлар манбаи ҳисобланади. Бу борада турар жойлар билан саноат корхоналари жойлашган минтақа оралиғида химоя масофаси бўлиши керак. Аҳоли турар жойлари билан ифлослантирувчи манбалар оралиғидаги масофанинг катта-кичиклиги саноат корхоналаридан атмосферага

ташланадиган чиқинди моддаларнинг захарлилик даражаси, махсус технологик жараёнлар ва хоказоларга ҳам боғлиқ бўлади. МДХ мамлакатларида санитария химоя минтақаси бешта синфга бешта синфга бўлинади. 1-синф тегишли саноат корхоналарининг санитария химоя масофаси ифлослантирувчи манбадан аҳоли турар жойлари чегарасигача 1000 м, 2-синф корхоналари учун химоя масофаси 500 м.

3-синф саноат корхоналари учун химоя 300 м 4-синф саноат корхоналари учун химоя 100 м 5-синф саноат корхоналари учун химоя масофаси 50 м.

Айрим ҳолларда ушбу химоя масофаларини узайтириш ёки қисқартириш зарур бўлганда чегенистлар тегишли давлат идоралари қарорига асосан уларни 3 марта кенгайтириши ёки қисқартириши мумкин. Дарахтлар захарли моддаларга қарши табиий тўсиқ вазини мувофақиятли ўтай олиши фанга кўпдан маълум. Чанг, аэрозол ва бошқа таъсирланган моддаларни енгил қалқонлик вазифасини ўтаётган ўсимликлар атмосферадан сингдириб оладилар, уларни ҳатто зарарсиз ҳолатга келтиришлари мумкин. Дарахтзорлар ва кўкаламзорларнинг атмосфера ҳавосини чанг ҳамда турли зарарли омиллардан химоя қилиш қобилияти олимлар томонидан тасдиқланган. Яшил минтақаларнинг бўлиши атмосфера ҳавосидаги чанг миқдорини 2-3 марта камайтиради. Олинган маълумотларга қараганда дарахтлар ҳаводаги сульфид ангидрид газини сингдириб олади ва сульфатларга айлантиради. Кўриниб турибдики қалқонлар чанглариғина эмас, балки зарарли газларни ҳам ўзига сингдириб олиб, зарарсизлантиради, шу билан механик ва химоявий филтрлик вазифасини ўтайди. Бироқ минтақаларни ташкил қилишда алоҳида эътибор бериш керак бўлган масалалар бор. Яшил тўсиқларни барпо этишда зарарли газларга, кислота ва ишқорларга чидамли дарахт кўчатларни ўтқазиб катта аҳамият касб этади. Шунини айтиш керакки, саноат корхоналари бўлиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси юқори бўлган, жойларга мевали, резавор ўсимликлар экмаслик мақсадга мувофиқдир. Чунки ўта ифлосланган ҳаво муҳитида етиштирилган меваларнинг таркибида захарли омилларнинг салмоғи кўп бўлади. Санитария химояси минтақасининг 70% и дарахтзорлар бўлиши мумкин. Масалан 1-2-3 синфларга тааллуқли саноат корхоналари учун 10% майдон бирорта объект (гараж, кирхона, ошхона ва хоказо) қурилишига 20% майдони эса йўл ва йўлка қуриш учун фойдаланилади. Саноат корхоналарининг 4 ва 5 синфларга тааллуқлилари билан аҳоли истиқомат қиладиган турар жойлар оралиғида химоя масофаси очиқ қолдириб, уни ўтлоқларга, дарахтзорларга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Санитария химоя минтақасидаги дарахтларга энг кўп зарар етказадиган таъсирланган моддалар, кимё кўмир қора ва рангли металлургия саноатлари корхоналаридан ажралиб чиқадиган сульфит, сульфат ангидриди, водород сульфит, фтор, аммиак, сульфат, азот, бром кислоталари ва бошқалардир. Санитария химоя минтақасида 4 ва 5

синфларга таъллуқли объектлар – ўт ўчириш депоси, хаммом, кирхона, гаражлар, омборлар, ўқув юртлари, лабораториялар, автомобил турар жойлари ва хоказолар жойлаштирилиши мумкин. Бу минтақада атмосфера ҳавомини қушимча ифлослантирувчи объектларни жойлаштиришга рухсат этилмайди. Шунингдек бе ерда спорт клублари ва иншоотлари, боғлари болалар боғча ва ясмилари, мактаблар даволаш ва профилактика ҳамда соғломлаштириш муассасаларининг жойлашишига ҳам рухсат берилмайди. Шахарлар атмосфера ҳавосига маҳаллалардаги дарахтзорлар боғлар ва кукаламзорлар ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозир дудбурон юриларнинг 180-220 метр баланд қилиб қурилиши ҳаво ифлосланишининг 10 км ва ундан ҳам узоқроқ масофага тарқалишига сабаб бўлади. Умуман саноат корхоналаридан тарқалаётган чиқиндиларнинг маълум бир қонуният асосида бўлишини ҳисобга олиб, баъзи корхона учун модел ҳолатларини ташкил қилиб, тегишли ҳисоблар ёрдамида яқин келажакда атмосфера ҳавосининг санитария назаридан ифлосланишини олдиндан айтиб бериш ва чоралар кўриш мумкин.

Яратилган лойиха ва турли ҳужжатларда шундай ҳисоб-китобларнинг бўлиши санитария врачлари келажакда бўладиган ҳолатларни аниқлашда катта ёрдам беради.

Бироқ, бундай материаллар ер релфининг текислигига ва ҳаво қатлами ҳароратлари бир хил бўлишига боғлиқдир. Тоғлик, тепалик баланд ва паст релфли жойларга бундайаниллардан фойдаланиш ва ҳисоб ишларини олиб бориш катта хатоликларга олиб келади. Атмосфера ҳавосининг ер юзасига яқин қатламларида ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг кам ёки кўп бўлишига ҳаво ҳаракатидаги котекис йўналишлар сабаб бўлади. Масалан, пластик жойларда ҳаво ҳаракатининг анча секинлиги хатто тўхтаб, қолиши ҳам кузатилади. Санитария врачлари лойихадаги дамеларни атрофига, тўла-тўқис ҳисобга олиб тегишли тадбирлар ишлаб чиқишга йўл очади. Лойихаларни ёки уларнинг материалларни кўрикдан ўтказётганда, шунингдек чиқинди ажратадиган манбаларни ҳисоблаётганларида саноат корхоналарининг йиллик иш режаларини ва энг кўп чиқинди чиқадиغان вақтдаги санитария ҳолатларини назарда тутмақлари лозим. Масалан, марказий иссиқлик қуввати ишлаб чиқарувчи қозонлари учун энг қулай давр ҳароратининг паст вақтидир, чунки кун исиб кетганида ёқилғи ишлатиш режими анча пасаяди.

Айрим корхоналар учун соатига чиқариладиган чиқиндиларнинг миқдори ҳисобга олинди, бунда тегишли лабораторияларнинг фаолияти ёрдам беради. Атмосфера ҳавосига тупланадиган чиқиндиларнинг миқдорига мазкур корхона тозалаш иншоотларининг самарали ишлаши маълум даражада таъсир этади. Масалан, тозалаш иншоотлари иши самарадорлигининг 98% дан 96% гача тушиши ёки 2% камайиши чиқинди миқдорини 2 баробар ошириб юборади.

Демак, атмосфера ҳавоси ер юзига яқин қатламининг ифлосланиши дудбурон мўрилардан ажраладиган чиқиндиларнинг умумий миқдориға боғлиқ бўлади.

Шунинг учун санитария врачлари саноат корхоналарининг технологик жараёнларини тегишли лойихалар ёрдамида ёки ўрганиб ташқи муҳитга ташланадиган чиқиндиларнинг умумий миқдорини чиқинди таркибидаги зарарли моддаларнинг аниқ концентрациясини билиши, чиқиндиларга тўла-тўқис экологик экспертиза нуктаи назаридан баҳо бериш правардида шу зарарли чиқиндилар атмосфера ҳавосига ташланмаслиги ёки муҳандис-техникалар билан биргаликда уларни тозалашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш чораларини кўришлари керак. Дикқатга сазовор олишлардан яна бир шамол тезлиги ва ҳаво намлиги бўлиб, уларнинг аҳамияти саноат корхоналарини шамол йўналишига ва унинг тезлигига қараб турар жойларга нисбатан жойлаштиришда намоён бўлади. Турар жойларни дудбўрон мўрилардан чиқадиған зарарли моддалар таъсирига кўндаланг ҳолатда мослаштириб бўлмайди. Саноат корхоналари жойлаштиришган ерлардан аҳолининг турар жойлари маълум ораликда, ҳимоя масофасида бўлади, бунда шамол йўналиши албатта ҳисобга олинади. Хозирги кимё саноати корхоналари ёки ишлаб ишлаб чиқариш, бирлашмалари алоҳида-алоҳида корхоналардан иборат бўлганлиги билан улар бир-бири билан узвий боғлангандир. Шунинг учун ҳам кимё саноатида пайдо бўладиган чиқиндиларнинг кимёвий таркибиранг-баранг бўлиб, улар сифат ва миқдор жиҳатдан фарқ қилади. Саноат корхоналарини жойлаштиришнинг асосий назорат ҳужжатларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Соҳавий, ҳудудий ёки Бош схемалари ҳисобланади. Бу схемалардан саноат корхоналарининг лойихалаш ташкилотлари табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг рухсат этилган меъёрларини (ПДК, ПДВ, ПДХВ) инобатга олган ҳолда фойдаланадилар. Агарда лойихаланаётган саноат корхонаси шу теградаги экологик меъёр талабларига жавоб бермаса, лойихалашни тўхтатиш керак. Саноат корхоналарини қуриш вақтида қурилиш ташкилотлари лойихадаги экологик ва санитар талабларини бимишоари ва уларга тулиғича эътибор беришлари шарт.

Шу билан биргаликда лойихачилар авторлик назоратини, қурувчилар эса қурилиш назоратини олиб боришлари, экологик хизматчилар эса санитар назоратини амалга оширилиши шарт. Агарда санитар ва экологик талаблар қурилиш давомида бузиладиган бўлса, давлат назорат органлари уларни бартараф этиш шартларини кўриб чиқиш ёки қурилиш ишларини тўтатиб, қўйиш ёки қурилиш ишларини қайта кўриб чиқишни талаб қилишлари мумкин. Кўпгина демократик мамлакатлар қонунчилигида саноат корхоналарини жойлаштириш ва қуришда жамоат бирлашмалари ва маҳаллий аҳолининг фикрларини инобатга олиш кўзда тутилган. Жамоатчилик талаби билан Европада шимолий дарёлар жанубга оқизмайдиган бўлди, Қримлар курортлар

теграсида Қрим АЭС қурилиши тўхтатилди. Германия ва Белгияда ТЕСларни қурилиши экологик инқироzi ҳудудларда тўхтатилиши бунга яққол мисол бўла олади. Саноат объектларини қуриш жараёнида энг кўп учрайдиган ноэкологик ҳаракатлар лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ва ишларини арзонлаштириш ёки инфляциян жараёнларга олдиндан белгилашда «смета» кўрсаткичларини тўғри келмаслиги оқибатида экологиялашган технологияларни ўрнатмасликдир. Саноат теграларида корхоналарни ишга туширишдан аввал уларни экологик экспертизадан ўтказилиш шартлари Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг VI-бобида аниқ ифодаланмаган бўлсада, лекин ривожланган мамлакатларнинг экологик қонунчилигида аниқ акс эттирилган. Халқаро нормаларга мувофиқ саноат корхоналарининг ишга туширилиши экологик хавфсизликни таъминлаб бериш имкониятига эга бўлмаса яъни лойиҳада кўзда тутилган тозаловчи ва чиқитларни зарарсизлантириш иншоотлари қонун ҳужжатларидан меъёрларига тўғри келмаса, бундай саноат объекти ўз фаолиятини бошлай олмайди. Шунинг учун ҳам давлат, соҳа ёки буюртмачи томонидан тузиладиган саноат корхоналарини қабул қилиш комиссияси таркибида экологик назорат ва санитар эпидимиологик назорат органларини таъминлаш даркор.

Мавзу № 9 : Технология ва техниканинг экологик экспертизаси.

Режа:

1. Саноат теграларида атроф муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва унинг аҳамияти.
 2. техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдида қўйиладиган тадбирлар.
 3. Технологик тадбирлар.
- Хулоса.

Экологик ва иқтисодий талабларни маълум бир иқтисодий кенгликларда амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалий тадбирини йўлга қўйиш жамиятдаги экологик муносабатларни тартибга солишнинг энг самарали воситасидир.

Саноат тегралари-маълум бир ҳудудларда ноқишлоқ хўжалик саноат тармоқларини жойлашуви ва уларнинг ишлаб чиқариш жамиятини юргатиш. Бундай теграларга саноат тармоқлари ёки мажмуалар мажмуасини яъни машинасозлик ва металлургия корхоналари, нефт, газ саноати объектлари, енгил ва озиқ-овқат корхоналари, нефт, газ саноати объектлари, енгил ва озиқ-овқат корхоналари, энергетика объектлари (АЭС, ГЭС, ГРЭС, ТЭС), тоғ кон, химия қурилиш саноатига қарашли завод, фабрика ва корхоналарини аҳоли пунктларида четга олиб чиқилган майдонлари киради.

Саноат теграларида биз юқорида айтиб ўтганимиздек, атроф муҳитни ифлосланиши ва экологик хавфсизлик талаблари бошқа антропоген ўзгарган объектларга нисбатан ўзига хос бўлиб, уларда умумжаҳон экологик талаблари қуйидагилардан иборат.

- Технологик жараёнларнинг кам чиқимли ва чиқимсизлигини таъминлаш;
- Ифлослантириш ва заҳарланишникамайтириш ва зарали моддалари нейтраллаштириш;
- Экологик хавфсиз маҳсулотлар чиқариш.
- Тозалагич технологияларини доимо такомиллаштириб бориш ва уларни давлат назоратида ушлаб туриш;
- Илмий технологик жараёнларни кенг тадбиқ қилиш ёки табиий ресурслардан жуда юқори даражада самарадорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Саноат тегралари ва уларда бирон бир саноат корхонасини жойлаштиришни режалаштириш халқ хўжалигининг умумий иқтисодий ривожлантириш дастурларида корхоналарнинг жойлаштиришнинг асосий назорат ҳужжатларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ҳудудий ва бош схемалари ҳисобланади. Бу схемаларидан саноат корхоналари лойихалаш ташкилотлари табиий ресурсларидан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг рухсат этилган меъёрилари ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади. Саноат корхоналарини қуриш вақтида қурилиш ташкилотлари лойихадаги экологик ва санитар талабларини билишлари ва уларга тўлиғича эътибор беришлари керак. Шу билан биргаликда лойихачилар авторлик назоратини, экологик хизматчилар эса санитар назоратини амалга оширишлари шарт.

Кўпгина демократик мамлакатлар қонунчилигида саноат корхоналарини жойлаштириш ва қуришда жамоат бирлашмалари ва маҳаллий аҳолининг фикрларини инобатга олиш кўзда тутилган.

Жамоатчилик талаби билан Европада шимолий дарёлар жанубга оқизилмайдиган бўлди. Қримнинг курортлар теграсида Қрим (АЭС) қурилиш тўхтатилади. Германия (ТЭС) ларини қурилиши экологик инқирози ҳудудларда тўхталиши бунга яққол мисол бўла олади.

Саноат теграларида корхоналарни ишга туширишдан аввал уларнинг экологик экспертизадан ўтказиш шартлари Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 6-бобида аниқ ифодаланган бўлсада, лекин ривожланган мамлакатларнинг экологик қонунчилигида аниқ акс эттирилган. Халқаро нормаларга мувофиқ саноат корхоналарининг ишга туширилиши экологик хавфсизликнинг таъминлаб бериш имкониятига эга бўлмаса, яъни лойихада кўзда тутилган тозаловчи ва чиқитларни зарарсизлантириш иншоотлари қонун ҳужжатларидаги меъёрларга тўғри келмаса соҳа ёки буюртмачи томонидан тузиладиган саноат корхоналарини қабул қилиш комиссияси таркибида экологик назорат ва

санитар эпидимологик назорат органлари қатнашувчини таъминлаш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 10-боб, 41-моддасида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш, реконструкция, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экологик талаблар белгиланган.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга экологик гувоҳномалар бериш Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 46-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Экологик гувоҳномалар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Саноат теграларида табиий ресурслардан фойдаланиш лимитлари ва меъёрлари, атроф муҳитга етказилган зарарларни корхоналар томонидан қоплашнинг ҳуқуқий нормалари.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 4,5,6 бобларида келтирилган бир қатор моддалар билан тартибга солинади. Саноат теграларида экологик талабларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўпол равишда бузганларга авваламбор иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш, бу ҳуқуқбузарликлар бир неча бор такрорланганда ёки бир маротаба қўпол равишда мақсадга мувофиқ бўлади.

Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари қурилишларининг таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдида қўйиладиган талаблар 17-моддада.

Атмосфера ҳавосидаги зарарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилишларни таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ҳамда улар физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишнинг нормативларига мувофиқлигини ва тартибга солиш таъминланади.

Кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналарини, техник ва технологияларни жорий этиш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш 23-моддада. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда технологик тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Бунинг учун саноат корхоналаридаги технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳатто чиқинди ёки чиқиндисиз корхоналарни қуриш мумкин. Чиқинди ва чиқиндисиз корхоналарни қуриш мумкин. Чиқиндили ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш корхоналари ташкилий ва технологик жараёнларни ўз ичига олади, бунда ҳам Аше тайёрлаш, мавжуд материаллардан тўла фойдаланиш, уларни чиқинди сифатида ташқи муҳитга ташламаслик борасида йўл-йўриқ тавсиялар

ишлаб чиқади. Шунинг учун ҳам аксарият кам чиқиндини чиқариш корхоналарга ката аҳамият берилмоқда.

Академик Б.Н. Ласкорихнинг фикрича, кам чиқиндили технологияга эга бўлган корхоналар қуйидаги йўналишда иш олиб боришлари керак: хом ашёларни мажмуа ҳолда ишлаш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, нархларни ишлаб чиқиш, шунга мос асбоб ускуналар яратиш имкони борица кам чиқиндили технологияга эга бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил қилиш.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки чиқиндисиз ишлайдиган саноат корхоналари жамоаси барча хомашёлар саноат маҳсулотига айланиши ташкил этади. Масалан, 80 йил илгари рангли металлургия корхоналари хом ашёларидан жами 15 элемент ажратиб олинган бўлса, ҳозирда мисли хом ашёларнинг ўзидагина 25 элемент, жумладан, мис, рух, қўрғошин ва уларнинг бошқа бирикмалари ажратиб олинмоқда. Баъзан кўп маҳсулотлар сифатсиз бўлиб, Давлат стандартларига тўғри келмаслиги туфайли чиқинди ҳолида чиқариб ташланади ва улар ташқи муҳитни ифлослантирувчи манбага айланиб қолиши мумкин.

Ҳозир кўп ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар чиқиндисиз технологияга ўтганлар. Мазкур усуллар бўйича темирли маъданлар таркибидаги металл, табиий газ ёки водород ёрдамида эритиб олинади. Бундай технологик жараёнда ташқи муҳитни ифлослантирувчи босқичлар истисно этилади. Металлни бу усулда эритиш атмосфера ҳавосида ташланадиган SO₂ гази, чангларни ва зарарли моддалардан тўла тўқис фойдаланиш имконини беради.

Синтетик каучук ишлаб чиқариш заводи технология жараёнида пайдо бўладиган чиқиндилардан ҳозир сульфат кислотаси, спирт ва стирол олишда фойдаланилмоқда.

Технологик жараёнларда машала ёндиришдан электр токи билан қиздиришга ўтиш чиқиндилар камайишига олиб келади. Технологик жараёнларнинг берклигини таъминлаш, маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойда транспортир ленталари воситасида ёки ҳаволи ташиш воситаларидан фойдаланиш яхши самара беради.

БМТ да кам чиқиндили ҳамда саноат корхоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги махсус диклорация қабул қилинган. Демак, узулиб қоладиган технологик жараёнларни узлуксиз технологияга ўтказиш даврининг долзарб муаммоларидан биридир. Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, юқорида тавсифланган технологик жараёнларни тадбиқ этиш атмосфера ҳавосини ифлосланишидан тамоман ҳоли қилмасада, лекин санитария врачлари корхоналарнинг муҳандис ташкилотлари билан ҳамкорликда атмосфера ҳавосини чиқиндилардан муҳофаза қилишга доимо ҳаракат қилишлари лозим.

Атмосфера ҳавосидаги зарарли чиқиндиларини чиқариб, атроф муҳит ифлосланишнинг олдини олиш учун чанг чиқиндилари манбаларини инвентаризация қилиш ва паспортлаш ҳамда чанг тутиш

қурилмалари асосида пахта тозалаш корхонасининг технологик ўтишларида атмосферага ва иш жойларида чанг ажралишини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни камайтириш, корхоналарда ва уларнинг яқинидаги ҳаво муҳитининг соғломлаштиришга хизмат қилади. Пахтани тозалаш корхоналарининг технологик машина ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш ва пахта тозалаш заводларининг технологик машина ускуналарида атмосферага чиқадиган чанг тутиш қурилмаларини ишга яроқли ҳолатда сақлайди.

Мавзу № 10 : Экологик экспертизани ташкил қилиш ва ўтказиш.

Режа:

1. Давлат экологик экспертизасининг ташкил қилиш ва ўтказиш.
 2. Д.Э.Э. ни ўтказиш учун эксперт гуруҳи ташкил қилиш ва унинг иш юритиш тартиби.
 3. Давлат экологик экспертизасининг хулосаси.
- Хулоса

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат комитети тизимидаги эксперт органлари мутахассислари кучи билан ёки олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларида ташкил топган (илова 4) эксперт комиссиялари (гуруҳлари) ёрдамида ўтказилиши мумкин. Экспертиза ўтказиш муддати, қоидага биноан металлларнинг тўлиқ комплекти топширилган кундан уч ойдан ошмаслиги керак.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш жараёни уч босқичдан иборат: тайёрлов, асосий ва якунловчи босқичлар.

А) тайёргарлик (Тайёрлов) босқичида Ўзбекистон Республикасида Давлат табиат қумитаси тизимининг штатдаги экспертлари томонидан: Тавсия қилинган ҳужжатлар таркиби мазкур ҳужжатнинг талабларига мос келиш келмаслиги текширилади; Экспертизанинг вазифалари, чегараси ва йўналиши таърифланади; унинг формаси (шакли) ва ўтказиш усули аниқланади;

Экспертизанинг асосий йўналишлари бўйича мутахассислардан штатдан ташқари эксперт комиссияси гуруҳи тузилади, унинг аъзолари ўртасида вазифалари тақсимланади, иш графиги тузилади ва хоказо, керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Б) асосий босқич давомида экспертизага тавсия қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилади, ва текширилади, унда;

Мазкур хўжалик фаолияти турини амалга оширишга эҳтиёжнинг асосланиши, уни реализация қилиш усулини танлаш, тавсия

қилинаётган техник муҳандислик ва архитектура – режавий ечимларнинг прогрессивлиги, материал хом-ашё ва энергетик ресурслардан ва бошқалардан фойдаланишнинг комплектлиги ва рационаллиги;

Аниқланган факторининг тўлиқлиги ва уларнинг экологик хавфи даражаси атроф муҳитга хўжалик фаолиятининг таъсири эҳтимоли масштаблари;

Табиат муҳофазаси қонуниятлари талабларини таъминлашга, шунингдек авария вазиятларини олдини олиш (огоҳлантириш) ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларини тугатишга қаратилган чоратадбирларнинг етарлилиги;

Мазкур хўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлиги ва атроф муҳитнинг сифат меъёри таъминланишининг фойдаланишга тавсия қилинган оператив ва бошқа хил назорат усуллари;

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ва ҳосил бўлган чиқиндиларнинг экологик хавфи даражасини баҳолаш шунингдек уларни қайта ишлашда ҳудудий кооперацияланиш имкониятлари;

Экспертизани амалга оширишда экологик ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари тўғрисида маълумотларнинг борлиги инобатга олинади.

Экспертиза ишлари жараёнида олдиндан таърифланган экспертизача йўналишлари бўйича индивидуал эксперт гуруҳи ҳулосаси тайёрланади.

Агар Янги вазифалар ёки кўриб чиқиш йўналишлари аниқланса, эксперт комиссияси (гуруҳи) давлат экологик экспертизасини тайинланган орган олдига экспертиза ўтказиш муддатини ўзгартириш кўриладиган масалалар бўйича қўшимча экспертлар жалб қилиш масаласини қўйиш мумкин.

Экспертиза давомида ҳужжатни тайёрловчилар томонидан инобатга олинмаган потенциал хавфли таъсирлар аниқланган тақдирда, лойиха Ушбу таъсирнинг хавфлилиқ даражаси ва унинг оқибатлари баҳоланмаган ҳолда қайта ишлашга қайтарилади;

V) яқунловчи босқич давомида эксперт комиссияси томонидан кўтарилаётган ҳужжат бўйича жамланма ҳулоса лойихаси тайёрланиб у буюртмачи, лойихани ишлаб чиқилган ташкилот вакиллари, жамоатчилик қатнашган эксперт комиссияси мажлисида муҳокама қилинади. Жамлама ҳулоса эксперт комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади, ва уларнинг розилигисиз ўзгартирилмайди.

g) эксперт комиссияси (гуруҳи)нинг жамланма ҳулосаси қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

амалга оширилаётган тавсия қилинаётган хўжалик фаолиятининг қисқача тавсифи;

тавсия қилинаётган хўжалик фаолияти ечимининг эксперт баҳолари;

лойиха бўйича принсипиал мулоҳазалар;

ҳулосалар;

лойихани амалга ошириш имкониятлари ва шартлари (режа, дастурлар);

уни қайта ишлашга ёки қайта қуришга эҳтиёж;

амалга оширишга мувофиқ келмайдиган четга чиқишлар;

хулоса ва таклифлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Жамлама хулосага эксперт комиссияси аъзолари томонидан билдирилган алоҳида фикрлар илова қилинади. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун эксперт гуруҳи ташкил қилиш ва унинг иш юритиш тартиби. Эксперт комиссияси (гуруҳи)-бу конкрет ҳўжалик фаолиятини давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун вақтинча тузилган мутахассислар жамоасидир (штатсиз экспертлар). Эксперт гуруҳни тузиш ва унинг ишини ташкил қилишни ҳамда штатсиз экспертларининг меҳнатга ҳақ тулашини давлат экологик экспертизасини ўтказиш вазифаси юкланган давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг эксперт бўлими амалга оширади. Эксперт гуруҳининг сони ва шахсий таркиби давлат экологик экспертизага топширилган ҳужжатларнинг хусусияти ва мураккаблиги билан аниқланади.

Эксперт комиссиясини тузишда ва унинг фаолиятини ташкил қилишда қуйидагиларни таъминловчи барча шарт шароитлар яратилиши шарт.

Эксперт комиссиясининг малака савияси етарли ва қўп позитсияли бўлишини;

Давлат Экологик экспертизасининг юқори сифатини;

Эксперт баҳосининг ва эксперт комиссияси (гуруҳи) хулосаларнинг сифатини;

Давлат экологик экспертизасининг ўтказиш ва унинг натижаларининг ошкоралигини эътиборда тутати.

Эксперт комиссияси (гуруҳи)ни тузиш принципи ва таркиби штатсиз экспертлардан иборат бўлади, унинг ишига республика илмий-текшириш институтларининг, вазирликлар муассасалар, тармоқ илмий-текшириш ва лойиҳалаш ташкилотларининг олимлари ва мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Эксперт комиссияси (гуруҳи)нинг шахсий таркиби Бош давлат экспертиза бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Эксперт комиссияси шахсий таркибига қуйидаги мутахассисларни жалб қилиш таъқиқланади.

Уларнинг шахсий розилиғи бўлмаса;

Экспертизага топшириладиган ҳужжатларни тайёрлашда қатнашганлар;

Қўрилаётган лойиҳа бўйича олдин матбуотда ўз фикрини босиб чиқарганлар эксперт комиссияси таркибига киритилмайди.

Мутахассиснинг штатсиз эксперт сифатидаги фаолиятини эксперт комиссияси (гуруҳи) тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошланади ва тасдиқланган иш графигига мос олиб борилади. Штатсиз эксперт давлат экологик экспертизасини ўтказишда асосий ишлар

ажралмаган ҳолда, ўзига қулай вақтда қатнашади, унинг ишлаши учун барча шароит яратилиши керак.

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси.

Давлат экологик экспертизани ўтказаятган эксперт орган ива хўжалик фаолияти лойихаси кўриб чиқади ва «Давлат экологик экспертиза» хулосасини тайёрлайди.

Унинг таркибига қуйидагилар киради экологик оқибатлар ва лойихани амалга ошириш шарт шароитлари тўғрисидаги хулосалар.

Қизиқувчи томонларга фикр ва таклифларни кўриб чиқиш давомида пайдо бўлган мулоҳазалар;

Кўрилаятган хўжалик фаолияти лойихасини амалга ошириш шарт-шароитлари бўйича буюртмачи ва қизиқувчи ташкилот ва муассасалар учун тавсиялардан иборат бўлади. «Д.Э.Э. нинг» хулосаси Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси эксперт кенгаши мажлисига муҳокамага чиқарилиши мумкин. «Д.Э.Э. » хулосаси лойихаси буюртмасига ва бошқа кузатувчи ташкилотларга юборилади.

Хўжалик фаолияти лойихасини амалга ошириш учун маблағ фақат «Д.Э.Э. хулоса» ижобий булсагина ажратилади. Экспертиза тугагач хужжатларнинг тирик комплекти буюртмачиларга. Хужжатларнинг нусхаси экспертиза ўтказгач орган архивида олиб қолинади, расмийлаштирилади ва белгиланган иш юритиш тартибига асосан сақланади. Д.Э.Э ни ўтказишада томонларнинг вазифалар ва жавобгарлиги хўжалик фаолияти лойихасининг ва бошқа хужжатнинг буюртмачисига ва ишлаб чиқувчи қуйидагиларни таъминлайди.

Асосий фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992 й.
2. Табиатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонун. Т. 1992 й.
3. Экологик экспертиза тугрисидаги қонун. Т. 2000 й.
4. Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в республике Узбекистан". Т. 1998 г.
5. Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в республике Узбекистан". Т. 2002 г.
6. Экология ҳукуки. Т. 2001й.
7. Справочник эколога-эксперта. Т. 1997 г.
8. Макаров С.В. Основа экономики природопользование. М.1989г.
9. Руководящий документ Охрана природы. Инструкция о порядке проведения оценки антропогенного воздействия на окружающую среду. Р.Ўз.КОП. Т. 1995 г.
10. Руководящий документ Охрана природы. Методическое указания по определению платежей за выбросы, сбросы загрязняющих веществ в природную среду и размещение отходов. Р.Ўз.КОП. Т. 1993 г.

Экологик экспертиза фаниданлабораториялар мажмуаси

Экологик экспертиза фанидан I- чи лаборатория ишланмаси

МАВЗУ: Сув хавзалар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар микдорини аниклаш экологик ҳолатини ҳулосалаш.

